Ilm o'zni bilmakdir

Ma'rifat

МАЪРИФАТ • ХАЛҚ ЗИЁЛИЛАРИ ГАЗЕТАСИ •

1931 йилдан чиқа бошлаган | 1997 йил 13 сентябр, шанба | Баҳоси сотувда эркин нархда. | № 71 (6967)

Da'vat

Қуп-қуруқ ўтган ёшлик — мусибат.

Абай Қўнонбоев.

Ibrat

Яқинида Оролбўйи ҳудудида жойлашган Мўйноқ, Тахтакўпир, Бўзатов, Чимбой туманлари ўқувчилари баҳоси 40 минг АҚШ долларини ташкил қилган ўқув қуроллари ва мактаб жиҳозларини қабул қилиб олдилар.

Turnir kundaligi

БУГУН ЯРИМ ФИНАЛ

ATP Tour

Аслида соғлом танда тетик руҳ бўлади. Ҳар биримизга яхши маълум бўлган ушбу ҳақиқат мустақил Ўзбекистон давлат сиёсатининг йўналишларидан бирини яққол ифодалайди. Ҳа, мамлакатимиз раҳбарияти Ўзбекистоннинг чинакам истиқлолга эришиши юзасидан ғоят улкан вазифаларни ўртага ташлар экан, бунда энг асосий шарт фуқароларнинг сиҳат-саломатлигини таъминламай туриб, иқтисодий саноат, қишлоқ хўжалиги, ижтимоий соҳаларда юксак марраларни эгаллаб бўлмаслигини жуда яхши тушунган эди.

Ана шуни ҳисобга олиб республикамизда дастлаб жисмоний тарбия ва спорт тўғрисида қонунлар қабул қилинди. Хусусан, эндиликда катта теннис ҳам жадал суръатлар билан ривожланиб бораётир. Буни ўтган қисқа даврда Андижон, Наманган, Самарқанд ва Нукус шаҳарларида қурилган замонавий теннис кортларидан ҳам билса бўлади. Жумладан, мамлакатимизда ўтказилиб келинаётган «Президент кубоги» халқаро турнири ҳам йилдан-йилга маҳоратли ракетка усталарини ўз атрофига жамламоқда.



«Юнусобод» теннис мажмуида 8 ва10 сентябрь кунлари болалар кунлари деб эълон қилинди

Р. Галиев олган сурат.

Қувончлиси шундаки, бу йилги «Президент кубоги» беллашувлари узукка кўз қўйгандек ярашган янги замонавий усти ёпиқ кортда бўлиб ўтаяпти. Шу кечакундузда ушбу теннис мажмуида ўзгача шукуҳ ҳукмрон. Салобатли сарой рангбаранг чироқлар нурида янада тароватли бўлиб кўзга ташланади.

Бинонинг биринчи қавати деворларига ойна ўрнатилган. Кенг фойе ва бардан иборат. Шу ердан «зангори» ва «яшил» теннис залларига чиқиш мумкин. Кортларга икки хил рангдаги синтетик қоплама ётқизилган. Залларнинг номи шу қопламаларнинг ранги билан боғлиқ. Залда томошабинлар учун қулай ўринлар бор. Иккинчи қаватда шаҳарлик меҳмонлар учун хоналар, спорт устозлари, ҳакамлар хоналари, шарҳчилар кабиналари ва прессбар мавжуд. Бу ердан усти ёпиқ залнинг бутун гўзаллиги кўриниб туради.

«Юнусобод» теннис кортларида давом этаётган халқаро теннис турнири ўз атрофига ҳар куни минглаб томошабинларни йиғмоқда. Ўйинларни мунтазам кузатиб бораётганлар Тошкент турнирининг савиясига юксак баҳо бермоқдалар. Зеро, шундай бўлиши кутилган ва бунга астойдил ҳаракат қилинган эди.

Ташланган қуръага кўра юртдошимиз Тамашевичга қарши россиялик машҳур теннисчи Евгений Кафельников майдонга тушди. Ҳар томонлама моҳир ва тажрибали Кафельников ҳисобида 6/2, 6:4 ҳамюртимиздан устун келди.

Яна бир ўзбекистонлик катта ракетка устаси Олег Огородов дастлабки ўйинда ғалабага эришганди. 6/4, 7/5. Огородовнинг рақиби швейцариялик И. В. Хойбергер кейинги босқич мусобақаларида қатнашиш ҳуқуқини қўлдан бой берди. Шундан кейин Олег Огородов россиялик Андрей Столяровга қарши кортга тушди. Андрей кортда худди мезбондек ҳаракат қилиб, Олег Огородовни қийинчилик билан бўлса-да доғда қолдирди 6/3, 3/6, 3/6.

Кеча чорак финал учрашувлари бўлиб ўтди. Унда Кафельников (Россия) — Велгреен (Исроил) 6/4, 6/4, Сантепадре (Италия) — Марк Россе (Швейцария) 6/3, 6/7 6— 2/6. Огородов (Ўзбекистон) Столяров (Россия) 6/3, 3/6, 3/6. Каубек (Австралия) — Арази (Марокко) 6/3, 3/6, 6/7 (4). Клавет (Испания) — Эрлиш 3/6, 6/4, 6/3. Павел (Руминия) — Санчес (Испания) 6—4/7 3/6. Спадеа (АҚШ) — Ран (Исроил) 7/5, 6/7, (4), 6/3. Волков (Россия) — Хенмён (Буюк Британия) 3/6 3/6 ўзаро беллашишди.

Кеча Клавет — Санчес, Спадеа — Хенмён, Россэ — Арази, Кафельников — Столяров ўзаро беллашишди. Бугун ярим финал беллашувлари бўлиб ўтади.

(Давоми 4-бетда)

ЧЕХИЯДАН ХУШХАБАР КЕЛДИ

Ўтган йили Республика саёҳатчилар маркази томонидан уюштирилган болалар расмлари кўргазмасида республикамизнинг барча вилоят, шаҳар ва туманларидан келган болалар ижодий ишларининг энг яхши намуналари танланиб, Чехия Республикасида ўтадиган халқаро кўргазмага юборилган эди. Яқинда республика Халқ таълими вазирлигига қувончли хабар етиб келди.

Чехия Республикасининг Лидице шаҳрида дунёдаги 140 дан зиёд давлатнинг ёш истеъдод эгалари ишлари қатнашган ушбу кўргазмада мамлакатимиз вакилларидан — Тошкент шаҳар Миробод туманидаги 294-мактабнинг 5-синф ўқувчиси М. Александрова, шунингдек, Сурхондарё вилояти Музробод тумани 21-мактаб ўқувчилари Ж. Ким билан Е. Кимзена ва шу вилоятнинг Жарқўрғон тумани 1-мактабнинг ўқувчиси Ю. Мугиновалар ғолиб деб топилиб, улар махсус диплом билан тақдирландилар.

Пойтахтимиздаги Темирйўлчилар маданият саройи болалар тасвирий санъати студиясининг аъзоси Маша Александрова диплом ва кўргазманинг махсус медали билан мукофотланди.

— Бу фақат менинг қувончим эмас, — дейди М. Александрова, — шунингдек бу ота-онам, бувим ва устозларимнинг ҳам қувончи.

Мустақиллигимиз туфайли ўзбекистонлик ўқувчиларимиз ҳам жаҳондаги тенгдошларига ўз ижодларини намойиш этиб, муносиб тан олинаётгани, юқори баҳоланаётгани кўнгилни қувонтиради.

Нурлан ЎКТАМ ўғли.

JUMLADA JAHON

● Олмалиқ шаҳрида кон-руда саноатида фойдаланиш учун эмульсияли портловчи моддалар ишлаб чиқарадиган янги корхона ишга тушди.

● Тошкентда бўлиб ўтган халқаро Оролни қутқариш жамғармаси бошқарувининг мажлисида жамғарма маблағларини муассис мамлакатлар бадаллари эвазидан шакллантириш ва уларни Оролбўйи аҳолиси учун соғлом экологик ҳудуд яратишга қаратилган дастурлар ва лойиҳалар амалиётига жалб этиш масалалари муҳокама этилди.

● Мамлакатимиз қишлоқ инфратузилмасини ривожлантириш дастурини амалга ошириш бўйича республика комиссиясининг навбатдаги йиғилишида бу борада анчагина ишлар қилинганлиги қайд этилган ҳолда ҳали қилинажак ишлар кўлами ундан-да кенгроқ эканлиги таъкидланди.

● Франциянинг «Трибюн» газетасида босилган «Ўзбекистон Осиё минтақасидаги энг тез ривожланаётган давлат сифатида танилмоқда» сарлавҳали мақолада мамлакатимизда саноатнинг тез суръатларда ривожланиб бораётганлиги ҳақида ҳикоя қилинган.

● Сеулда очилган «Корея саммит —97» халқаро анжумани Жанубий Кореянинг жаҳон иқтисодиётида тутган ўрни ва унинг хорижий сармоя жалб қилиш имкониятлари ҳамда жаҳон иқтисодиёти билан боғлиқ яна бир қанча масалаларни ўз кун тартибига қўйган.

● Япония Ташқи ишлар вазирлигининг оммавий қирғин қуролларни тарқатмаслик масалалари бўйича махсус вакили журналистларга Покистон бош вазири Навоз Шарифнинг Покистон ўз ядро куролига эга эканлиги ҳақидаги баёноти ҳали расман тасдиқланмаганлигини айтди.

Xalq ta'limi va hokimiyat

УСТОЗЛАР БАЙРАМИ КЎТАРИНКИ РУҲДА ЎТАДИ

Тўлқин ЖАББОРОВ,
Наманган вилояти ҳокими

Вилоят ҳокимлиги халқ таълимини ислоҳ қилиш вазифаларини амалга ошириш мақсадида ўзининг шу йил январь ойидаги қарори билан «Халқ таълимини ривожлантиришнинг 1997—2000 йилгача бўлган дастури»ни тасдиқлади. Шу дастурда белгиланган вазифалар вилоят фаоллар йиғилишида келишиб олинди.

Ана шундай дастурлар барча таълим муассасаларида, шаҳар ва туман ҳокимликларида қабул қилиниб, фаоллар йиғилишларида кўриб чиқилди. Бу дастурларни бажариш борасидаги ҳаракатларимиз ютуқларимизнинг омили бўлиб қолмоқда. Дастур билан ишлашга не етсин.

Давлат, жамоат ташкилотлари, халқ таълими ходимларининг ҳаракатлари туфайли вилоятда халқ таълимини ривожлантириш борасида бир қатор ишлар амалга оширилмоқда.

Ўтиш даврининг вақтинчалик қийинчиликларига қарамай таълим муассасалари тармоқлари кенгаймоқда, янги мактаб ва боғча бинолари қурилмоқда, моддий-ўқув базаси мустаҳкамланмоқда. Жумладан, шу йилнинг ўзида 10 та (4348 ўқувчи-ўринли) бино қурилиши режалаштирилган бўлиб, мустақиллик кунига 6 та 3084 ўқувчи — ўринли бинолар фойдаланишга топширилди. Бошқаларининг қурилиши ҳам йил охирига қадар тугалланади.

Таълим муассасалари моддий ўқув шароитини яхшилаш, ижтимоий ҳимояга муҳтож ўқувчиларга ёрдам кўрсатиш мақсадида вилоятда оталиқ ва ҳомийлик ташаббуси кенг қулоч ёймоқда. Юзлаб ташкилот, корхона, хўжалик, ишбилармон ва тадбиркорлар таълим масканларига инсонпарварлик ёрдамларини кўрсатмоқдалар. Таълимда замонавий ўқитиш тизими кенг қўлланилмоқда. Ўнлаб лицей, гимназия ва коллежлар

(Давоми 2-бетда)

ТАШКИЛИЙ ҚЎМИТА ЙИҒИЛИШИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Фармонига мувофиқ 1 октябрь — «Ўқитувчилар ва мураббийлар куни» — умумхалқ байрами деб эълон қилинди. Шу муносабат билан ЎзРХТВ 1997 йил 3 февралда 37-сонли буйруқ қабул қилди. Байрамни муносиб нишонлашга оид тадбирлар белгиланиб, ташкилий қўмита тузилган эди. 8 сентябрь куни байрамни ўтказиш ташкилий қўмитасининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди. Уни Ўзбекистон Республикаси халқ таълими вазири Жўра Йўлдошев олиб борди.

Ташкилий қўмита раиси, вазирнинг биринчи муовини Йўлдош Саиджонов байрамга тайёргарликнинг бориши тўғрисида ахборот берди. Жойларда байрамнинг пухта тайёргарлик билан тантанали вазиятда ҳокимликлар, ота-оналар, кенг жамоатчилик иштирокида ўтказилиши учун улкан қамровли ишлар кетаётир. Пойтахтда ҳам катта байрамга қизғин ҳозирлик кўрилганини алоҳида таъкидлаш жоиз...

Йиғилишда ташкилий қўмита аъзолари ҳисоботлари ҳам тингланди. Бажарилиши лозим бўлган ишлар белгилаб олинди.

Мухбиримиз.

Устоз... Бу сўз ортида ниҳоятда улуғ маъно ётади. Ҳар қандай жамиятда устоз доимо улуғланиб келган. Шунинг учун ҳам буюк бобомиз Амир Темур ўз васиятида ҳокини маънавий устози Саид Барака қабри пойига кўйишларини айтган эди.

Мамлакатимиз Президенти И. А. Каримовнинг ўтган йили сентябрь ойидаги Фармони билан 1 октябр «Ўқитувчилар ва мураббийлар куни» умумхалқ байрами сифатида нишонланиши ва бу кун дам олиш куни деб эълон қилиниши, Олий Мажлиснинг сўнгги сессиясида «Кадрлар тайёрлашнинг миллий Дастури» ва янги таҳрирдаги «Таълим тўғрисида»ги Қонуннинг қабул қилиниши устозларга, таълимни яхшилашга бўлган эътибор ва ғамхўрликнинг намунасидир.

Юртбошимизнинг бу сиёсати туфайли она-Туркистон заминига Бобур, Машраб, Фазлий Намонгоний, Нодим Намонгоний, Хислат, Усмон Носир каби буюк маърифатпарварларни етказиб берган, ўзининг илму донишлари билан машҳур бўлган Намангандек жаннатмакон диёримизда илм-фан, халқ таълими ривожланиши билан бирга ўқитувчи-мураббийларга ҳам эътибор сезилмоқда.

Вилоятимизда бозор иқтисодиётига ўтиш босқичларини муваффақиятли амалга оширилишига катта ҳисса қўшаётган кўп минг кишилик маорифчилар жамоалари халқ таълимини жаҳон андозалари талаблари даражасига етказиш йўлида бутун имкониятларини ишга солиб меҳнат қилмоқдалар. Уларнинг меҳнати Президентимизнинг ўқитувчи ва ўқувчиларни ижтимоий муҳофаза қилиш тўғрисидаги Фармонларига, биринчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг IX сессиясида сўзлаган нутқига, Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 20 августдаги «Ўқитувчилар ва ўқувчилар турмуши моддий шароитларини яхшилашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорига берилаётган жавобдир.

Tahlil

ОЛИЙ ЎҚУВ ЮРТЛАРИГА ОЛИЙ ТАЛАБ

Қизиқ, одамлар онгида, ўй-фикрида, юрт иқтисодиётида, сиёсатида шиддатли ислоҳотлар давом этаётган бугунги кунда элу халқнинг таълим-тарбияга, хусусан, олий таълимга муносабати қандай? Ёшларимизда олий ўқув юртларида сабоқ олишга иштиёқ борми? «Иқтисодий қийинчиликлар туфайли ҳеч ким ўқишга қизиқмай қолди, эс-ҳуши жойида бўлган одам ҳозир ўзини бозорга ураяпти» деган миш-мишлар ростми? Келинг, яхшиси фактларга мурожаат этайлик.

Республика тест маркази олиб борган кузатувлар, таҳлиллар шундан далолат бермоқдаки, юртдошларимиз орасида олий таълимга нисбатан бўлган иштиёқ, ҳавас ҳамон баланд. Хусусан, республикамиз олий ўқув юртларига 1995 йили 162 мингга яқин абитуриент ариза топширган бўлса, бу кўрсаткич 1996 йили 198 мингга, бу йил эса 221 мингга етди. Демак, ёшларимиз ҳамон илмга чанқоқ, ҳамон улар олий таҳсил талабгорлари. Уларнинг деярли барчаси бугунги кун ислоҳотлари чақириғини тўғри англаб етганлар: юрт эртаси учун баркамол авлод керак! Хўш, улар беш-олти йил бирор бир олий ўқув юрти «тупроғини ялаб» чиқса, етук шахс бўлиб қола оладими? Умуман, олий ўқув юртларимиз илмга ташна ёшларга юксак савияли, жаҳон андозаларига мос таълим беришга тайёрми? Бу борада олий ўқув юртлари қандай ютуқларга эришдию тағин қандай муаммолар ҳамон кўндаланг турибди?

Куни кеча Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигида бўлиб ўтган олий ўқув юртларида давлат аттестацияси ва аккредитацияси ўтказишни такомиллаштиришга бағишланган семинар-кен-

(Давоми 2-бетда)

Yangilik

ВАЗИРЛИКДА МАТБУОТ МАРКАЗИ

Президентимиз Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси IX сессиясида сўзлаган нутқи барча фуқаролар, хусусан, халқ таълими ходимлари зиммасига улкан вазифалар юклади. Таъкидлаш жоизки, сессияда қабул қилинган «Таълим тўғрисида»ги қонун, «Кадрлар тайёрлаш бўйича миллий дастур» ҳаммамизга қувонч бахш этгани сир эмас. Жойларда янгича руҳ билан янгича қарашлар, янгича ёндашувлар асосида ишга киришилаётир. Қувончлиси, сессия ўз ишини якунлагандан сўнг кўп ўтмаёқ Ўзбекистон Республикаси халқ таълими вазири Жўра Йўлдошев вазирлик қошида матбуот маркази ташкил қилиш ҳақидаги буйруққа имзо чекди. Мақсад халқ таълими тизимида олиб борилаётган ишларни, шунингдек, тажриба ва янгиликларни оммавий ахборот воситалари орқали мунтазам равишда ёритиб боришдир.

Айни кунда 10 кишидан иборат марказ аъзолари Президентимиз нутқи ва илгари сурган ғоялари асосида режа ва вазифаларни аниқ белгилашиб, ишга киришдилар.

— Буйруққа кўра, Қорақалпоғистон Республикаси ХТВ, вилоятлар ва Тошкент шаҳар халқ таълими бошқармалари қошида ҳам матбуот марказлари ташкил этилади,** — дейди марказ раҳбари, ЎзРХТВ УЎТББ Бош назоратчи-услубиётчиси Бахтиёр Қурбонбоев. — **Улар вазирликнинг матбуот маркази билан ҳамкорликда иш юритадилар.

Дарҳақиқат, ҳамкорликда ҳикмат кўп. Ҳозир марказ аъзолари улкан мақсадларни кўзлаб туришибди. Марказ Низомида муҳим тадбирлар қаторида «Маърифат» газетаси муштариёлари хатларини ҳам батафсил шарҳлаш, саволларига эса махсус рукн орқали жавоб қайтариш вазифалари ҳам акс этган. Албатта, қўйилаётган вазифалар марказнинг ҳар бир аъзосидан катта масъулият талаб қилади. Биз марказ ходимларига бу каби эзгу ишларда муваффақиятлар тилаб қоламиз.

Қурбонбой МАТҚУРБОНОВ.

МММ

ХАБАРЛАРИ

ОЛИМНИ ЁД ЭТИБ

Яқинда Мирзо Улуғбек номидаги Тошкент давлат университети механика-математика факультетида машҳур математик, академик Т. Саримсоқов хотирасига бағишлаб ўрнатилган ёдгорлик лавҳасининг очилиш маросими бўлиб ўтди. Унда профессор Г. Худойберганов, академиклар — Т. Долимов, М. Салоҳиддинов ва Ш. Аюповлар сўзга чиқишди. Йиғилганлар марҳум олимнинг босиб ўтган ҳаёт йўлини хотирлаб, бугунги ёшларни олимнинг муносиб ворислари бўлиб етишишларига даъват этишди.

Ф. КАМРОН.

МАКТАБДА МАКТАБ ЛИБОСИ

Бугунгача Қизилтепа туманидаги 37 та умумтаълим мактабларининг 75 фоиз ўқувчилари мактаб либосига эга бўлишди. Эътиборли жиҳати шундаки, тумандаги Ибн Сино, С. Айний, Ф. Хўжаев, М. Улуғбек, Бўстоний номидаги мактабларнинг ўзида мактаб либослари тикиляпти. Бу ишда уларга «Зилола» маиший хизмат уйи яқиндан ёрдам берянти.

Мактаб либоси мактабнинг ўзида чиройли ва сифатли қилиб тайёрланиши нафақат ўқувчиларга, балки ота-оналарга ҳам манзур бўлаяпти. Сабаби, улар бозор нархидан 50 фоиз арзон нархда мактаб либоси харид қилиш имкониятига эга бўлишмоқда.

Н. ОЧИЛОВ.

МММ

ХАБАРЛАРИ

КЕЛАЖАК ПОЙДЕВОРИ

Бухоро вилояти қурувчилари мазкур 1997-98 ўқув йили учун халқимизнинг жами 1670 нафар фарзанди учун янги мактаблар қуриб, фойдаланишга топширдилар. Пешку туманидаги «Маданият» (422 ўринли), Олот туманидаги Амударё (624 ўринли) жамоа хўжаликларидаги ва яқиндагина қуриб, ишга туширилган Марказий Осиёдаги энг йирик Қоровулбозор нефтни қайта ишлаш заводи ишчилар шаҳарчасидаги (624 ўринли) мактаблар шулар жумласидандир. Қурилган янги иншоотлар келажагимиз пойдевори бўлишига шак-шубҳа йўқ.

УСТОЗЛАР БАЙРАМИ КЎТАРИНКИ РУҲДА ЎТАДИ

(Боши 1-бетда)

ташкил этилмоқда. Ўқитишда тест, рейтинг усуллари кенг жорий қилинмоқда. Таълим-тарбия самарадорлигини ошириш, иқтидорли болаларни танлаб олиб ўқитишга алоҳида эътибор бераётганлигимиз туфайли бу йилги республика фан олимпиадаларида вилоятимиз мактабларининг 10 нафар ўқувчиси ғолиб деб топилиб, республикада биринчи ўринни эгалладик. Шунингдек, 7 нафар ўқувчимиз жаҳон фан олимпиадаларида иштирок этиш ҳуқуқини қўлга киритдилар. Бу йилги республика халқ таълими ходимлари 1-спартакиадасида ўқитувчиларимиз биринчи ўринни олишга муяссар бўлдилар.

Республика давлат тест маркази томонидан энг яхши тест саволлар тайёрлаш кўрик танловида ғолиб деб топилган 23 нафар педагогнинг 9 нафари бизнинг вилоятдандир.

Боғчаларда, мактабларда иқтисодий билимлар, чет тиллари ўқитилмоқда. Ҳозиргача 25 нафар ўқувчимиз илғор, ривожланган мамлакатларда таҳсил олмоқдалар. Ўқувчи — ёшларга касб-ҳунар ўргатиш ҳам йўлга қўйиб борилмоқда.

Юқоридаги каби ютуқларимиз ортида вилоятимизнинг 40 минг нафар халқ таълими ходимлари меҳнати ётибди. Ана шу меҳнатни қадрлаш ўқитувчилар меҳнатига муносиб баҳо бериш муваффақиятларни мустаҳкамлаш гаровидир. Ўқитувчи мураббийлар меҳнати аввало Президентимиз ва Республика ҳукумати томонидан муносиб тақдирланмоқда. Мустақилликнинг ўтган йиллари даврида 60 нафар халқ таълими ходимлари давлатимизнинг орден ва медаллари ва фахрий унвонлари билан мукофотландилар, бир нафар ўқитувчи «Халқ ўқитувчиси», 12 нафари «Хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси», 21 нафари «Хизмат кўрсатган халқ таълими ходими» унвонларига, 1113 нафари «Халқ таълими аълочиси» нишонига, минглаб ўқитувчи ва тарбиячилар эса республика, вилоят, туман ва шаҳар миқёсидаги «Фахрий ёрлиқ»лар билан тақдирланишга сазовор бўлдилар.

Вилоят, туман ва шаҳар ҳокимларидан тортиб барча мутасадди ташкилотларнинг раҳбарлари Республика Президентининг ўқитувчи ва ўқувчиларни ижтимоий муҳофаза қилиш, имтиёзлардан фойдаланиш ҳақидаги Фармонларини шахсий назоратларига олганлар.

Фармонлар қабул қилингандан буён 1721 нафар ўқитувчи ва тарбиячига қўшимча томорқа, 1151 нафарига уй қуриш учун ер майдони, 77 нафарига квартира берилди. 420 нафар давлат ва жамоа хўжаликларига қарашли уйлар бепул хусусий қилиб берилди. Транспорт, кўмир, электр энергияси, табиий газ каби коммунал хизматлардан 62597 нафар киши фойдаланмоқдалар, 1600 нафар кишига узоқ муддатли ссудалар берилган. Ҳар йили ўрта ҳисобда 1643 нафар халқ таълими ходимлари курорт, санаторий, профилакторийларда, дам олиш оромгоҳларида дам олиб саломатликларини тиклаб қайтмоқдалар.

Фақат мана шу жорий йилнинг ўзини олсак барча ўқитувчи ва тарбиячиларнинг ойлик маошлари, таътил ва касаллик даври пуллари ўз вақтида бериб борилди. Ғалла ҳосили йиғиб олиниши билан барча туманларда 2600 дан ортиқ маориф ходимларига такрорий экинлар экиш учун ер майдонлари ажратилди.

Вазирлар Маҳкамасининг юқорида номи келтирилган 20 августдаги қарори муносабати билан вилоятимиз ўқитувчиларининг 1 ойлик маошига қарийб 51.5 млн. сўм қўшилмоқда. Янги ўқув йили арафасида Президент совғаси сифатида 49940 нафар 1 синф ўқувчисига портфель, ўқув жиҳозлари берилди. I—IV синфларнинг кам таъминланган оилалардан бўлган фарзандларнинг 30 минг нафарига иссиқ кийимлар берилади.

«Ўқитувчилар куни», «Наврўз», Янги йил, Ғалаба байрамлари, фан олимпиадалар якунлари муносабати билан вилоят, туман ва шаҳар ҳокимликларига халқ таълими илғорлари, меҳнат ва уруш фахрийлари қабулларини уюштириш, «Бир пиёла чой устида суҳбат» анъана тусига кириб қолган.

Шу йилнинг ўзида вилоят ҳокимлигида байрамлар муносабати билан 100, фан олимпиадаси муносабати билан 200 нафар маориф ходимлари, туман ва шаҳарларда эса 850 нафари қабул қилиниб қимматбаҳо совғалар берилди. Шунингдек, вилоят, туман ва шаҳар ҳокимлари 1500 нафар, ҳомий ташкилотлар эса 8500 нафар фахрий, ёлғиз қария, кўп болали маорифчиларга моддий ёрдамлар кўрсатдилар.

Халқ таълими ходимлари август кенгашлари муносабати билан «Инсон манфаатлари йили» доирасида Кенгаш ишида қатнашган илғор ўқитувчилар, фахрийлар, ёрдамга муҳтож кексалардан 4383 нафарига совғалар берилди.

Нафақадаги халқ таълими ходимларининг уйларига бориб аҳволидан ҳабар олинмоқда. Барча мактабларда «Саховатли болалар» гуруҳлари фаолият кўрсатмоқда.

Тарбияга умумхалқ, давлат иши деб қараш, бу борада таълим муассасаларига ҳар томонлама ёрдам бериш ҳам ўқитувчи меҳнатини енгиллаштириб, унга янгича куч-ғайрат бағишлайди.

«Давлат, оила ва жамият — ёшлар тарбияси муаммолари» мавзусидаги илмий-назарий конференциялар тавсияси билан янги ўқув йилидан республика бўйича тўла ўқувчилар либосига ўтилиши катта маънавий тарбиявий аҳамиятга эга воқеа бўлди. Вилоят ҳокимлиги топшириғи, тавсиясига кўра тегишли фирмалар, фабрикалар, маиший ва савдо ташкилотлари арзон, қулай, бежирим ўқувчилар либосини тикдилар, оталиқ ва ҳомийлар эса ёрдамга муҳтож ўқувчиларни бепул либослар билан таъминладилар. Натижада вилоятимиз мактаб ўқувчилари деярли тўлиқ ўқувчилар либосига ўтдилар.

Яна шу конференция тавсиясига кўра оила, мактабда ҳуқуқий тарбияни яхшилаш, ҳуқуқий билимлар самарадорлигини ошириш тадбирларини белгилаб олдик.

Ўтган йили «Ўқитувчилар куни»ни ҳам катта байрам сифатида нишонлаган эдик. Айниқса, байрам арафасида республика Президентининг юқорида номи келтирилган Фармонининг қабул қилиниши бу маросимга алоҳида аҳамият бағишланди.

Бу йилги «Ўқитувчилар ва мураббийлар куни»ни яна ҳам катта умумхалқ байрами сифатида кенг нишонлаш ниятимиз бор. Бу байрам республика Мустақиллик куни тантаналарига уланиб, унинг давоми бўлиб кетмоқда. Шунинг учун вилоят ҳокимлигида байрамни ўтказиш комиссияси тузилиб, унга тайёргарлик кўриш ва ўтказиш режаларини қабул қилдик. Туман ва шаҳар ҳокимларидан ҳам ана шундай режалар қабул қилиниб, катта ишлар олиб борилмоқда.

Вилоятда, туман ва шаҳарларда умумхалқ сайллари, «Уч авлод» учрашувлари, тантанали йиғилишлар, кўнгил очар спорт ўйинлари, савдо, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ярмаркалари ташкил қилинмоқда. Ҳокимлар ҳузурида халқ таълими ходимлари қабулини, «Бир пиёла чой устида суҳбат» маросимларини ўтказамиз. Илғор, тажрибали устозлар, фахрий ёлғиз, кўп болали халқ таълими ходимларининг барчасини моддий ва маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлаймиз. Байрам муносабати билан ҳозирданоқ радио, телевидение ва матбуотда махсус рукнлар бериб борилмоқда. Байрам куни эса оммавий ахборот воситалари орқали вилоят, туман ва шаҳар ҳокимларининг табриклари берилади. Шу куни вилоят ҳокимлигида 500 нафар халқ таълими ходими қабулини ўтказишни мўлжалламоқдамиз.

Юқорида айтганимдек, ёш авлод тарбиячилари бўлган устозларга ҳар қанча ғамхўрлик қилиб, эътибор кўрсатсак оздир, чунки уларга қилинган ғамхўрлик келажак авлодга кўрсатилган ғамхўрликдир.

Бу эътибор ўқитувчидек мўътабар зотларга ҳурмат ҳиссини уйғотиб, жамият олдидаги обрў-эътиборини кўтаради. Уларни «Кадрлар тайёрлашнинг миллий Дастури», «Таълим тўғрисда»ги Қонун талабларини бажариш ниятидаги янги меҳнат зафарларига чорлайди.

«Маърифат» рўзномаси муштарийларига энг яхши тилакларимни билдириш билан бирга республикамиздаги барча халқ таълими ходимларини «Ўқитувчилар ва мураббийлар куни» билан самимий табриклайман.

Tavsiya

ИЛК МАРТА ВА ҚУВОНЧ БИЛАН

«Ўқитувчилар ва мураббийлар куни»ни бу йил илк маротаба умумхалқ байрами сифатида нишонлаш арафасида турибмиз. Тўғри, бундан аввал октябрь ойининг дастлабки дам олиш кунини ўқитувчилар байрам қилишарди. Президентимизнинг беқиёс ғамхўрлиги ва эътибори туфайли бу кун алоҳида байрам сифатида, дам олиш куни деб эълон қилинди.

Шу куни ўтказиладиган барча тадбирлар болалар билан ишлашга, уларнинг соғлигини ҳимоялашга, жисмонан ва руҳан соғлом камол топтиришга, ўз ҳаётини бахшида этган инсонларга бағишланиши лозим. Шунинг учун байрамни намунали ўтказишга барча мутасадди ташкилотлар ўз ҳиссаларини қўшмоқлари даркор

Инсон манфаатлари йили бўлмиш 1997 йилда «Ўқитувчилар ва мураббийлар куни»ни умумхалқ байрами сифатида илк марта нишонлаш кўзда тутилмоқда. Республика Таълим маркази бу байрамни ташкил этиш юзасидан қуйидаги тавсияномаларни ишлаб чиқди.

Халқимизнинг устоз-мураббийга бўлган муносабати илиқ. Ўқувчи-ёшлар, умуман инсонлар дунёқарашини шакллантиришда уларнинг хизматлари катта аҳамиятга эга. Байрам тадбирларини ўтказишда уларнинг машаққатли, лекин шарафли ишларига урғу бериш шарт ва зарур. Улар ҳақида алломалар ўгитларини эслаб ўтиш ҳам қарз, ҳам фарз.

Байрам тантаналарига ота-оналар, маҳалла фаоллари, ҳокимият, халқ таълими ходимлари, ёзувчи-шоирлар, санъат аҳли, ҳомий ташкилотлар, фахрий ўқитувчилар, «Умид», «Камолот», «Улуғбек», «Маҳалла», «Нуроний каби жамғармалар, оммавий-ахборот воситалари, радио-телевидение вакилларини жалб этиш лозим.

«Ўқитувчи ва мураббийлар куни»га бағишланган байрамлар дарс, тарбиявий соат, семинар-амалиёт, адабий-бадиий, илмий кечалар, учрашув ва давра суҳбатлари кўринишида ўтказилиши мумкин.

Байрам тантаналарини «Ўқитувчи — улуғ ном, у мағрур жаранглайди», «Устоз отангдан улуғ», «Сизларни шарафлаймиз», «Мен севган устоз», «Агар ҳаёт бўстон бўлса, боғбон муаллим», «Устозлар олдида қарздормиз» каби мавзуларда ўтказиш ҳар жиҳатдан мақсадга мувофиқдир.

Шунингдек, ёш мусаввирлар, ҳунармандлар, раққосалар, чеварлар кўрик-танловларини, полвонлар, спортчилар, ўткир зеҳнлилар, топқирлар мусобақаларини, мушоираларини шу кунга мўлжаллаш байрам қадрини яна бир карра оширади.

Байрамнинг қуйидаги режа асосида ўтказилиши барча таълим муассасаларига маъқул келади, деб ўйлаймиз:

«Ўқитувчи ва мураббийлар куни»нинг дам олиш куни эканлиги давлатимизнинг бу касб эгаларига ҳурмат-эътиборидан далолатдир. Устоз-мураббийлар меҳнатининг қадр-қиймати келажак билан ўлчанади. Устозлар руҳини шод этиш шогирдлар бурчи. Ўқитувчиларни тақдирлаш, совғалар улашиш. Ривоят-ҳикоятлар, шеър ва қўшиқлар ижро этиш, саҳна лавҳалари, спорт ўйинларида устозларни мадҳ айлаш. Нафақахўр, фахрий ўқитувчилар ҳузурида бўлиш. Кўргазма, савдо ярмаркаси ташкил этиш.

Ўқитувчи ва мураббийлар кунини икки босқичли тадбир асосида нишонлашга одатлансак, ёмон бўлмасди.

Биринчиси — маърифий-маънавий тадбирлар бўлса, иккинчиси — кўнгилочар, ҳордиқ чиқаришга замин яратадиган қувноқ давра ёки сайру-саёҳатдир. Бинобарин, байрамни таълим-тарбия муассасаларида ёки хушманзара сайлгоҳларда ҳам ўтказиш мумкин.

Тадбир олдидан устозлар ҳақида дарс ва дарсдан ташқари машғулотларда тушунча бериб бориш лозимки, бунга ўқувчилар ўзларини маънан тайёрлаб боришади.

Вилоят (шаҳар, туман) миқёсида қуйидагиларни эътиборда тутиш лозим:

Халқ сайлини ўтказишда оромгоҳларда, маҳалла, клуб, театр ва бошқа жамоат жойларида ҳафталиклар уюштириш.

Томошалар, концертлар, мусиқали кечалар ва лекторийларга устозу ёш мураббийлар ва ўқувчиларнинг бепул киришларини таъминлаш. Маданий кошоналарда октябрь ойи давомида устозлар ҳаёти ҳақида кино ва томошалар намойиш этиш керак.

Байрам ўтказиладиган жойни безашда қуйидаги ишларга аҳамият бериш тавсия этилади.

Аввало, саҳна мавзуга мос равишда безатилиши лозим. Ўқитувчи-устоз ҳақида ҳадису шариф, Қуръону карим, Юсуф Хос Ҳожиб, Абдураҳмон Жомий, Алишер Навоий каби алломалар сўзларидан намуналар битилиб, шиор қилиб осиб қўйилиши керак. Улар қаторида давлат байроғи, герби, мадҳияси албатта бўлиши лозим.

Фидойи ўқитувчиларнинг суратлари, энг яхши дарс ва синфдан ташқари тарбия ишлари баёнидан лавҳалар, шунингдек, деворий газеталарнинг махсус сонлари кўргазма сифатида қўйилади.

Бир сўз билан айтганда, халқимизнинг устоз-мураббийларга нисбатан ҳурмат-эҳтироми чексиз ва туганмасдир. Ана шу самимий муносабат байрам тадбирларида тўлиқ акс этгандагина, биз бу касб эгаларини алқаган, шарафлаган бўламиз. Тавсияларимиз, албатта, тахминий. Айнан шу тарзда эмас, балки шу мазмунда ва йўналишда байрам тадбирларини уюштира олсак, бундан барчамизнинг дилимиз шодланиши аниқ ва бунга эришамиз, деб ўйлайман.

М. ТУРОПОВА,
республика Таълим маркази Маънавият ва қўшимча таълим бўлими бошлиғи.

ХОРИЖ ТЎЛҚИНЛАРИДА

ШОТЛАНДИЯ. *Референдум билан боғлиқ жараёнлар мутлақо табиий кечмоқда. Унинг натижалари бугун ёки эртага маълум бўлади.*

АФҒОНИСТОН. *Толибларга қарашли қўшинлар яна Мозори Шариф сари илдамлашга ҳаракат қилганлар. Мана уч кундирки Мозори Шариф атрофида жанглар рўй бермоқда. Шимолий Афғонистонда вазият кескинлашиб, яна бир бор турли кучларнинг мулозамати мушкуллашиб, чигаллашиб кетди. Қундуз ғарбидан толибларнинг қўшинлари Мозори Шарифга яқинлашган, лекин шаҳарга кириб боришмаган. Толибларнинг вакиллари илгарироқ Мозор олинганлиги ҳақидаги баёнотлари пучга чиққан.*

«БИ-БИ-СИ».

РОССИЯ. *Россия Президентининг матбуот вакили Москва Чеченистон Республикасида амалга оширилаётган омма ҳузуридаги қатлларни тўхтатишга ожиз эканлигини эълон қилди. Мазкур баёнот қатор русиялик сиёсатчилар томонидан қўйилган Чеченистонда омма ҳузуридаги қатлларни тўхтатиш учун чоралар кўриш талабига жавобан қилинган.*

«Озодлик».

Tarixning o'qilmagan sahifalari

МУХТОРХОННИНГ МУХТОР ҚИСМАТИ

Исломжон ТУРСУНОВ,
Ҳайдарали УЗОҚОВ,
тарих фанлари докторлари.

Бу тергов жараёни 1930 йилнинг 30 январида бўлиб ўтди.

Терговчи: Бизга маълумки, Сиз Қўқонда **«Ботир гапчилар»** аксилинқилобий ташкилотга бошчилик қилиб, «Миллий иттиҳод»га бўлим сифатида шўроларга қарши аксилинқилобий ишларни олиб боргансиз. 1929 йил ноябрида «Ботир гапчилар»дан ташқари **Мунаввар қори раҳнамолигида «Гап» шўроларга** қарши гуруҳ ҳам тузгансизлар. Шу гуруҳнинг аъзолари ва мақсадлари ҳақида гапириб беринг. Яширманг, ҳамма нарса бизга аён.

Зоҳирий: Биринчидан, **«Ботир гапчилар» «Миллий иттиҳод»**дан мутлақо бошқа ташкилот, ўзи мустақил. Бунинг Шўрога қарши ҳеч қандай нияти йўқ. Унинг аъзолари ўзаро ўткан-кеткан лардан гапиришиб, аммо рост, тўғри гаплардан суҳбатлашиб, бир ойда бир марта гурунглашади. Ўрни келганда дунё воқеаларидан ҳам суҳбатлашамиз. «Гап»нинг тузилиши асли Москвада бўлган. Унинг раҳбари Наим Саид эди. Бунда ҳам ҳеч қандай сиёсат билан боғлиқ муаммолар гаплашилмас эди. Ҳар бир маҳалла, шаҳардаги йигитлар тўпланишиб, ўзимизнинг урф-одатимизга кўра чойхонада ош қилиб, гап ердик. Бу **«Гап»** сифатида баъзи хаёлпараст сотқинлар томонидан аксилинқилобий-пантуркистик ташкилот деб талқин қилинган. Аслида ундай эмас. Гуруҳнинг дастури бор, албатта. Унда, бу ойда **Умархўжа** «Гап»ни ташкил қилса, янаги ойга **Ёқуб Омон** ташкил қилиши, ўйин-кулги мавзулари, аския пайровлари белгилаб қўйилар эди. «Гап» аскиясиз ўтмайди. Бу, бизнинг — қўқонликларнинг одатимиз.

«Гап»нинг бошлиғи Наимжон ҳар ойда Тошкентдан келади ва биз билан бирга «гап» ейди.

Бу жавобларга эътиборсизлик билан қараган **терговчи Гайнутдинов билан Соловьевлар** «Ботир гапчилар» ва «Гап» гуруҳлари ва унинг бошлиқлари **А. Зоҳирий ва М. Муҳаммадийлар** устидан қуйидаги айбловни эълон қилади: **«Янги Фарғона» газетасининг ходимларидан Ёқуб Омон, Мухтор Муҳаммадийлар машҳур пантуркист Ашурали Зоҳирийнинг тутинган ўғиллари, Носир Эркин газетанинг техник муҳаррири бўлиб ишлаган Зоҳирий ва хатлар бўлимини бошқарган Мухтор Муҳаммадий ва Умархўжа Ҳамидий билан биргаликда «Гап» гуруҳини 29-йил ноябрида тузган. Бу Москвада тузилган «Гап» эмас. Бунинг вазифаси «Ботир гапчилар» аксилинқилобий ташкилотнинг мақсад ва вазифалари, ғоявий-сиёсий қарашларини халққа етказиши лозим эди. Алоқанинг бу шакли ва шу йўл билан ташкилотга аъзолар ёллашда «Гап» жуда катта рол ўйнаган. Гап ейиш орқали «Гап» кўп ўтмай «Ботир гапчилар» учун жуда кўплаб кишиларни ёллаб берди. Булар ҳозирда шўроларга қарши аксилинқилобий ишларни водийнинг ҳар бир қишлоқ ва жойларида ҳам изчил олиб бормоқда.**

1929 йилнинг ноябридан 1930 йилнинг 1 февраля орасида «Гап» орқали комсомол Абдулла Қаҳҳор — «Янги Фарғона»нинг масъул котиби, газета ташувчи, комсомол аъзоси Карим Ортиқбоев, редакция мудири, фирқа аъзоси Мирзаабдулла Солиев, рабфак ўқитувчиси, қўмсўмўл Нуриддин Эрматов, ўқруг партия мактаби ўқитувчиси, қўмсўмўл Муҳиддин Ҳусаинов, Фарғонадаги Ўзбекистон Марказий педагогика техникуми ўқитувчиси Турғун Парпиев, Фарғона вилоят Халқ таълими бўлими бошлиғи Абдулла Холматов, 1918 йилдан фирқа аъзоси, ўқружқўм аъзоси, «Фарғона» газетаси муҳаррири Лутфулла Олимий ва юқорида номлари кўрсатилган аксилинқилобчилар билан шўроларга қарши яширин, махфий аксилинқилобий ишлар олиб борганлар. Йилдан йилга ташкилотга кўплаб қўпорувчиларни тарбиялаб келган. Бу нарса деярли техникум ва мактаб ўқитувчилари, ўқувчилари ҳисобига бўлган...

Буларга ғоявий раҳбар ва илҳомлантирувчилар Ашурали Зоҳирий, Мухтор Муҳаммадий, Лутфулла Олимий, Абдулла Раҳматзодалар — пантуркистлар бўлганлар. Булар «Ботир гапчилар» ва «Гап» аксилинқилобий, шўроларга қарши ташкилотлар сифатида бутун водийга ўзларининг ячейкаларини ташкил этиб, яширин иш олиб борилган. Ана шу ташкилот аъзолари томонидан 1918 йилда Қўқонда бош кўтарган шўроларга қарши қора кучларни бостиргани келган кўплаб «дошноқлар»дан кўпларини отиб ташлаш ишларида қатнашган. Шуларга кўра юқоридаги номларни Ўзбекистон Жиноят Кодексининг 67-моддаси билан айбдор деб топаман ва қамоқда сақланишини таъминлайман...

(II. 33391-иш, 18-жилд, 232-248-бетлар).

Шу нарсани алоҳида таъкидлашни жоиз топамиз. У ҳам бўлса, истиқлолимизгача, ҳатто 1993 йилгача ҳам ўша 20- ва 30-йилларда истиқлолчилар ва мустақиллик учун курашганлар томонидан тузилган ва фаолият кўрсатган аксилинқилобий ва шўроларга қарши ташкилот ва гуруҳларни «бундай ташкилотлар ва гуруҳлар асли бўлмаган, тузилмаган, бу ҳақдаги кўргазма ва гаплар ёлғон, бўлмаган нарса», деб келардик. Текширишлар ва истиқлол мафкурасининг мезон тарозуси шуни кўрсатдики, бундай ташкилот ва гуруҳлар асли бўлибгина ва фаолият юргизибгина қолмасдан, буларнинг махсус, ўзига хос дастурлари ҳам бўлиб, ягона мақсад босқинчилар — Шўро истибдодига қарши кураш йўллари, истиқлол учун қилиниши лозим бўлган муҳим ишлар услубияти баён этилган эди.

«Бундан аксилинқилобий ташкилотлар бўлмаган, ёлғон» сингари кўргазмаларнинг энг аввало, қамалган маҳбуслар томонидан, қолаверса, соясарвар гувоҳ ва юзаки зиёлилар томонидан талқин этилиши большевиклар сиёсатининг «зарби»дан қўрқиш, ёлғон кўргазмалар бериш «титроқлари» билан рўёбга чиққан, «жон сақлаб қолиш» ниятидаги лўттибозликнинг типик нусхаси эди. Шунинг учун ҳам бор ҳақиқат большевиклар сиёсатининг, тоталитаризмнинг мудҳиш кўриниши «титроқлари» сўқмоғида боши берк кўчага кириб қолган ва ундан чиқа олишдан ожиз эди. Шу боис ҳам сўроқ стулида ўтирган ҳар бир истиқлолчи, аниқроғи, шўроларга қарши **аксилинқилобий гуруҳ вакили ўз ҳаётини «ўлим» билан якунланишидан қўрқиб, ўзи тузган ва аъзо бўлган ташкилотларни тан олишмаган. Ташкилотларнинг «темир интизоми ва қоидаси» талабларига кўра бу «сир»ни ошкор этиш — «бор» дейиш сотқинлик сифатида қараларди ва бу сотқин ҳаёти фожиали якун топарди...**

Шундай бўлса-да, қизил терговларнинг ваҳшиёна зарблари — **калтаклаш, тазйиқлар, қийнашлар, камситишлар ва ҳоказо ҳайвоний** муносабатлар маҳбусларни бу ташкилотларнинг «бор»лиги ҳақида тан олдиртирган. Буни биз яқин-яқинларгача ҳам шўроларга қарши бундай ташкилотлар бўлган эмас деб, замон зайли билан сохталаштириб келдик.

(Давоми бор).

Боши газетамизнинг ўтган сонида.

ОЛИЙ ЎҚУВ ЮРТЛАРИГА ОЛИЙ ТАЛАБ

(Боши 1-бетда)

гашда ҳам худди шу масалалар атрофлича муҳокама этилди. Семинар-кенгаш ишида республикамиздаги барча олий ўқув юртларининг раҳбарлари, профессор-ўқитувчилар қатнашдилар. Бундай долзарб мавзуда семинар-кенгашнинг ўтказилишига туртки, аввало, давр чақириғи, бугунги ислоҳотлар талаби эди. Қолаверса, шу йил 29 август куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг IX сессиясида Президент И. Каримовнинг «Баркамол авлод — Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори» деб аталган маърузаси ҳам олий таълим ходимларини фаолликка ундаганди. Зеро бу маъруза таълим соҳасида кадрлар тайёрлаш бўйича амалга оширилиши зарур бўлган долзарб вазифаларни белгилаб, соҳадаги ютуқ ва камчиликларни чуқур таҳлил этиб берди. Таълим тизимидаги туб ислоҳотлар йўналишлари, шу жумладан ҳар бир таълим муассасасига, айниқса олий ўқув юртларига, қонун доирасида ўқув режалари, дастурлари ва ўқитиш йўриқлари, таълимий хизматларни белгилашда мустақиллик бериш ва ўз-ўзини бошқариш усулларини жорий этиш алоҳида таъкидланди.

Юртбошимиз мулоҳазаларидан келиб чиқиб, кадрлар тайёрлаш муаммолари бўйича, таълим-тарбия жараёнини халқаро андозалар даражасига кўтариш юзасидан, жаҳон тажрибасига суянган ҳолда ўқув юртларини давлат аттестацияси ва аккредитациясидан ўтказиш тизимини такомиллаштириш борасида, семинар қизғин мунозараларга, фикр-мулоҳазаларга бой бўлди.

Тан олиш керак, олий ўқув юртларини давлат аттестацияси ва аккредитациясидан ўтказишда халқаро талабларга жавоб берадиган тажриба ҳозирча бизда етарли эмас. Бу масалани атрофлича мукаммаллаштиришига ҳаракатлар бўлаётир. Бироқ бу саъй-ҳаракатлар ҳали кам. Энг аввало, олий ўқув юртларида давлат аттестацияси ва аккредитациясини ўтказувчиларнинг малакасини ошириш зарур! Бунинг учун шу масала билан шуғулланадиган ходимлар учун ўқув курслари, махсус семинар-кенгашлар ташкил этиш мақсадга мувофиқдир. Бундай ўқув курслари, айниқса вилоят олий ўқув юртларида ташкил этилса, нур устига нур бўларди.

Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигида бўлиб ўтган семинар-кенгаш қатнашчиларининг фикри ҳам шу!

Семинар-кенгаш ишида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг масъул ходими Ш. Қурбонов иштирок этди.

Луқмон БЎРИЕВ,
«Маърифат» мухбири.

BOLALAR OLAMI

YANGI SAHIFA

BOSHLANG'ICH SINF O'QUVCHI, O'QITUVCHILARI VA ALBATTA, OTA-ONALAR SIZLAR UCHUN

Mazkur o'quv yilidan boshlab uchinchi sinf o'quvchilari ham yangi yozuvimizga o'tishdi. Tabiiyki ularga o'tish uchun, o'qituvchilarimizga esa o'qitishga manba kerak. Biz ham bu ishga imkon qadar o'z hissamizni qo'shishni niyat qildik. Darvoqe, bu ota-onalarimizga nima uchun kerak dersiz? Axir ular ham bu yozuvni o'rganishlari, bolalariga yordam berishlari kerak emasmi? Quyida ushbu sahifamiz — uni «Bolalar olami» deb atadik. Qo'shimcha taklif va mulohazalaringizni kutamiz.

TAHRIRIYAT.

Yod oling

VATAN

Sensiz yashash axir bema'no,
Kunlar kunmas, oftobi yo'qdir.
Tiriklikda qolmaydi ma'no
Soniyalar otilgan o'qdir!

Bahorlarim qishga aylanur,
Maysa libos kiyar za'faron.
So'nib borar quyoshdagi nur,
Yorug' olam olammas — zindon!

Tor qafasga tushgan qush misol,
Bor erkingni jilovlar tutqun.
Kiprikda yosh, qaddi-qomat dol,
Yurak-bag'rim bir umrga xun!

Umr o'tar yelganday tulpor,
Bo'lar bir kun uning yakuni!
Sensiz axir, ey ona diyor,
Bo'larmikan umrim butuni!

Tiriklikni sen berding, Vatan
Hayotimning alanga-cho'gi.
Urib turgan yuragim sensan
Ko'zlarimning sen — Qorachug'i!

O'tkir RAHMAT.

Toshkentdagi respublika Boshlang'ich ta'lim, markazi ham yangi o'quv yilini boshlab yubordi. Bu yerda tarbiyalanuvchilar boshlang'ich ta'lim olish bilan birga musiqa, rasm, jismoniy tarbiya, xorijiy til va kompyuter bo'yicha bilimlarini ham mustahkamlab bormoqdalar. Bo'sh vaqtlarida esa turli xil ko'ngilochar o'yinlar ham tashkil etilgan.
SURATDA: markaz hayotidan lavhalar.

R. AL'BEKOV olgan suratlar.

3-sinflar uchun

OLAMNING YETTI MO'JIZASI

Qadrli bolalar! Dunyoning yetti mo'jizasi haqida albatta eshitgandirsiz?.. Lekin ularning nimalardan iborat ekanligini har kim ham sanab berolmasa kerak. Dunyoda mo'jizalar ko'p bo'lgan. Lekin ulardan yettitasi alohida tilga olinadi. Shulardan biri hozirda ham odamlar aqlini lol qoldirib kelayotgan **Misr ehromlaridir**. Misr ehromlari jahonda eng mashhur obidalardan hisoblanadi. Misr shohlari (ular fir'avn deb yuritilganlar) «narigi dunyoda ham yashashni orzu qilib, o'zlariga ehrom qurdirishgan. Qadimgi Misr fir'avnlaridan Joser birinchi bo'lib o'ziga ulkan dahma, ya'ni ehrom bunyod ettirgan. Uning balandligi 60 metr bo'lgan. Miloddan oldingi 2800 yillarda Misr davlatini Xeops boshqargan. Qadimgi dunyo tarixchisi Gerodotning yozishicha, Xeops ehromi 20 yilda qurilgan. Dunyoda tengi yo'q bu ehromning balandligi 147 metrga yaqin, aylanasi bir kilometrga etadi. Ehrom qurilishiga, olimlarning hisobicha, 2 million 300 ming dona tosh ishlatilgan, har bir toshning og'irligi 2 tonnadan 30 tonnagacha bo'lgan.

Xeopsdan keyin fir'avn Xafroga atab qurilgan ehrom va undan nariroqda Sfinks nomi bilan mashur bo'lgan odam boshli qiyofali ulkan haykal yaxshi saqlangan.

Qadimgi dunyoning mo'jizalaridan yana biri **Artemida ibodatxonasidir**. Ma'buda Artemida sha'niga bunyod etilgan ibodatxona Efes shahrida qad tiklagan bo'lib, uni qurish me'mor Xersifronga topshiriladi. Usta Efes shahrida yer qimirlab turishini hisobga olib, botqoqsimon joyga katta chuqur qazib, uni pista, ko'mir, suv va jun bilan to'ldirib, binoni shuning ustiga qurishni taklif etadi.

Naql qilishlaricha, qurish 120 yil davom etgan ekan. Lekin 356 yilda efeslik Gerostrat degan kimsa unga o't qo'yadi. Ibodatxona ikkinchi bor qayta quriladi. Keyingi qiyofasida u yanada ulug'vor bo'lib, bo'yi 110, eni 55 metr bo'lgan katta maydonni egallardi. O'rta asrlarga kelib, Efes shahri tanazzulga uchraydi. Artemida ibodatxonasi ham abadiy tanazzulga yuz tutadi.

Olamning yana bir mo'jizasi **Bobilning muallaq bog'lari** hisoblanadi. Qadimda ikki daryo — Frot va Dajla oralig'ida joylashgan Bobil (Vavilon ham deb yuritiladi) shahri bo'lgan. Jahondagi eng go'zal bu bog'ni Bobil podshosi o'z xotini sharafiga qurdiradi. Bog' 4 qavatdan iborat bo'lib, biridan ikkinchisiga keng zinalar orqali chiqilgan. Har qavatda ulkan daraxtlarni ushlab turadigan unumdor qalin tuproq yotqizilgan bo'lib, unga eng nodir va ko'rkam daraxt va gullar o'tqazilgan.

Olamning boshqa bir mo'jizasi — **Galikarnas Dahmasidir**. Galikarnas — qadimda kichik Osiyo sohilida joylashgan yunon shaharlaridan biri bo'lib, uning dovrug'ini olamga mashhur qilgan shon Mavsol maqbarasidir. Maqbara to'g'ri to'rtburchakli, kengligi 66 metr, uzunligi 77 metrga yaqin, balandligi 46 metrli uch bo'linmadan iborat bo'lgan.

Mo'jizalardan yana biri — eramizdan avvalgi IV asrda Quyosh xudosi Gelios sharafiga Rodos orolida o'rnatilgan muazzam haykal — Kolossdir. Haykal haykaltarosh Xares tomonidan qurilgan bo'lib, uni bunyod etish uchun 12 yil vaqt sarflanadi. Uning balandligi 35 metr bo'lib, bronzadan tiklangan.

Olamning yetti mo'jizalaridan oltinchisi Iskandar Zulqarnayn nomi bilan bog'liq bo'lib, u **Iskandar minorasidir**.

332 yili asos solingan Iskandariya shahri Nil daryosining quyilish joyida bunyod etilgan edi. Asrimizdan oldingi 285 yilda Misr qirg'oqlari bilan Foros oroli o'rtasiga tuproq, shag'al, toshlar to'kib ko'tarma qilib birlashtiriladi. Eramizdan avvalgi 280 yilda Sostrat Knidskiy balandligi 120 metr bo'lgan uch qavatli minorani qurib bitkazadi. Bu ajoyib minora XIV asrgacha o'z ko'rkini yo'qotmagan. Keyin esa 30 metrcha keladigan qismi saqlanib qolgan.

Qadimgi olamning yetti mo'jizasidan faqat bittasigina dunyoning Yevropa qismida joylashgan bo'lib, bu — afsonaviy Zevs haykalidir. U buyuk Fidiy ijodi mahsulidir. Zevs haykali ibodatxona ichida joylashgan bo'lib, uning uzunligi 64 metr, eni 28 metr, xonaning ichki balandligi 20 metrga etadi. Ulkan zalning oxirida o'tirgan Zevsning boshi shipga tegib turadi. Beligacha yalang'och holda tasvirlangan Zevs yog'ochdan ishlangandi. Badanini pushtirang, ko'zga yoqimli fil suyagidan ishlangan plastina yopib turgan, kiyimi oltin bargdan ishlangan.

Milodning V asrida imperator Feodosiy II ning saroyiga o't ketadi. Ulkan haykalning yog'och qismi yonib, kulga aylanadi, olamning yettinchi mo'jizasi shu tariqa yer yuzidan nom- nishonsiz yo'qoladi.

Donolar o'giti

Aqlni charxlash uchun o'qish — badantarbiyadek gap.

(Addison).

•

Kitoblar jonsiz, ammo sodiq do'stlardir.

(Gungo).

•

Kitoblarning soni emas, ularning yahshisi foyda keltiradi.

(Seneka).

•

Odamning qanday odamligini hamisha u o'qiydigan kitoblardan bilish mumkin.

(S. Smauls).

ILON VA QALDIRG'OCH

(Hikoyat)

Nuh alayhissalomning kemalarida uch narsa: mushuk, sichqon va qo'ng'iz yo'q edi. Birdan ular paydo bo'ldi...

Sichqon chopa-chopa kemani teshdi va suv bosa boshladi. Xudoga yalinib- yolvordilar.

Shundan so'ng Nuh alayhissalom dedi:

— Biron narsa topilsa kemaning teshigini berkitar edik.

Ilon dedi:

— Bordi-yu bu xizmatni men bajarsam mukofotiga nima berasiz?

Nuh alayhissalom dedi:

— Nima tilasang, shuni beramiz.

Ilon dedi:

— Nimaning go'shti shirin bo'lsa, shuni berasiz.

Nuh alayhissalom qabul qildi.

Ilon kemaning teshik joyini topib, unga halqa bo'lib yotdi. Suv to'xtadi. Kema yo'lida davom etdi. Olti oy dengizda yurdilar. Kemadan tushganlaridan keyin Ilon kelib dedi:

— Ey, Nuh, va'dangizni bajaring endi.

Nuh alayhissalom ariga buyurdi:

— Borib hamma narsaning go'shtini totib ko'r, qaysisiniki shirin bo'lsa Ilonga beraylik.

Ari borib odam go'shtidan shirini yo'qligini aniqlab, qaytib kelayotganida qaldirg'ochga duch keldi. Qaldirg'och so'radi:

— Nimaning go'shti shirin ekan?

— Odamning go'shtidan shirini yo'q ekan, — deb javob berdi ari.

Qaldirg'och dedi:

— Qani birodar, tilingni chiqar-chi.

Ari tilini chiqargan hamono qaldirg'och «chirt» etib uning tilini uzib oldi. Ari soqov bo'lib qoldi va g'ing'ishlaganicha Nuh alayhissalom huzuriga bordi. Qaldirg'och uning ketidan bordi. Aridan qanchayin so'ramasinlar biron javob qilolmadi va g'ing'ishlab qaldirg'ochga termuldi, xolos.

Qaldirg'och Nuh alayhissalomga dedi:

— Ari biyobonda menga uchrab, «Baqa go'shtidan lazzatlisi yo'q ekan», degandi.

Shundan keyin Nuh alayhissalom ilonga baqani buyurdilar. O'shandan beri ilon topsa baqani, topmasa tuproq yeb kun kechiradi. Ilon qaldirg'ochning odam bolasiga yaxshilik qilganini bilib, u bilan yovlashib qoldi...

TOPISHMOQLAR

1. Qat-qatgina qatlama
Aqling bo'lsa tashlama (kitob)

2. Yer ostida oltin qoziq. (sabzi)

3. Pishmagani mazza, pishgani bemaza. (bodring)

4. Bir qopgina un, ichida ustun. (jiyda)

5. Tap-tap etadi,
tagidan karvon o'tadi. (elak)

INGLIZ XANDALARI

— Tom, — dedi onasi 5-6 yoshlardagi o'g'liga, — o'zingdan kichiklarga shunday yomon so'zlarni o'rgatish yaxshimi, o'g'lim?

— Yo'q oyijon, — javob berdi Tom. — Men ularga nimani gapirmaslik kerakligini o'rgatayapman, xolos.

● ● ●

Ota: Men seni jazolashga majburman, bu men uchun ham azob.

O'g'il: Lekin otajon, biror yomon ish qilmagan ekansiz, qiynalib nima qilasiz?

● ● ●

O'qituvchi: Siz menga XVII asrning buyuk ximiklari haqida biror narsa aytib bera olasizmi?

O'quvchi: Ha, albatta, ularning hammasi o'lib ketgan, janob.



Sizlarga o'xshab qachon maktabga borar ekanman-a?..

QIZIQARLI MISOLLAR

1. 9 gacha bo'lgan raqamlar yig'indisini qanday songa bo'linsa, 9 chiqadi?

2. Qirqta 2 o'ttizta 3dan nechta kam?

3. Qanday 7 ta ikki xonali son yig'indisidan 1ni ayirsa, 90 qoladi?

4. Bobo 100 yoshda, nevarasi esa bobosining o'ndan bir yoshida. Ularning biri ikkinchisidan necha yosh katta?

5. Qirq qulochli arqonning uch joyidan teng qilib kesilsa, har bo'lagining uzunligi qancha bo'ladi?

HISOBLA-CHI

Kelishardi
Izlab buloq,
Bir echki-yu
Ikki uloq.
Suv bo'yida
Ayni shu choq
Yurar edi
Ikki o'rtoq
Hamdam dedi:
— Q'ani, o'rtoq,
Bosh qotirib
ko'r-chi, bundoq.
Shularda bor
Necha quloq,
Qancha oyoq
Hamda tuyoq?

3x2=? 3x4=? 3x8=?

Boborahim OMONOVning «Qiziqarli matematika» kitobidan.

Sahifani Nilufar Namozova tayyorladi.